


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*5120100 – Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили)  
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари*



Тошкент – 201

## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети;
- Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» августр даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

### 3. ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

	бет
Т/р.	
1. <i>5120100 – Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи .....</i>	4
1.1. Кўлланилиш соҳаси .....	4
1.2. <i>5120100 – Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили) таълим йўналиши бўйича касбий фаолият таснифи.....</i>	4
2. <i>5120100 – Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....</i>	6
2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....	6
2.2. <i>5120100 – Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари.....</i>	7
3. <i>5120100 – Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фандастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....</i>	9
3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....	9
3.2. Малака амалиётига қўйиладиган талаблар.....	13
3.3 <i>5120100 – Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми.....</i>	15

## **1. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи**

**5120100 – Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўкув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффакиятли ўтган шахсга “бакалавр” малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат берилади.

Ўкув режа ва фан дастурида кўзда тутилган ўкув шакли, меъёрий муддати ва унга мувофиқ мос малака даражаси 1- жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Ўкув режаси ва фан дастурда кўзда тутилган ўкув шакли, меъёрий муддати  
ва унга мувофиқ малака даражаси**

Ўкув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даражаси)	Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриат таълим йўналишининг ўкув режаси ва фан дастурлари	Бакалавр	4 йил

### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5120100 – Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўкув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш бўйича ваколатли бўлганда малака талаблари асосида ўкув режа ва фан дастурларини амалга ошириш хукукига эга деб хисобланади.

**1.1.3.** Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиши бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини хисобга олган ҳолда ўкув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўкув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўкувтарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талabalari;

– ўз ваколати доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Таълим сифатини назорат қилиш бўлими, Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация қилувчи ва сифатини назорат этувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш хукукига эга бўлган абитуриентлар ва бошка манфаатдор шахслар.

**1.2. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятларининг тавсифи**

**1.2.1. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятининг соҳалари:**

**5120100 – Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили)** бакалавриат таълим йўналиши – ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасининг йўналиши бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармок илмий-тадқиқот институтлари, оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта маҳсус таълим мининг давлат муассасаларида комплекс масалаларни ечишни қамраб олади.

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаршишлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий фаолиятларининг объектлари:**

– ўзбек тилида яратилган бадиий матнлар; фикр ифодалашда потенциал маъно ясовчи воситалар; нутқнинг яратилиш жараёни; мулоқот бирликлари; бадиий-эстетик коммуникация; матн талқини, тушуниш ва идрок этиш, таълим жараёни меъёрий хужжатлари, педагогик технологиялар, таълимнинг техникавий воситаларини ўрганиш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш.

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгартиришлар бўлиши мумкин.*

**5120100 – Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили) таълим йўналиши бўйича бакалаврнинг касбий фаолияти қўйидагиларни қамраб олади:**

– бадиий асарни, адабий ва бошқа матнларни лисоний таҳлил этиш ҳамда унинг методларини ўзлаштириш;

– дунёқараш тавсифидаги билимлар тизимини эгаллаганлик, гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиш; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиш;

– ватан тарихини билиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини баён этиш ҳамда илмий асослай олиш, миллий ғоя асосида фаол ҳаётини ўринни эгаллаш;

– табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳакида яхлит тасаввурга эга бўлиш, табиат ва жамият ривожланиши ҳакида билимларга эга бўлиш, улардан ҳаёт ва касбий фаолиятда замонавий илмий асосларда фойдалана олиш;

– кишиларнинг жамият ва атроф-муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи хуқуқий ва ахлоқий меъёrlарни касбий фаолиятда ҳисобга ола билиш;

– адабиёт ва тил билими тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш, саклаш, ишлов бериш ва улардан фойдаланиш методларини эгаллаш, касбий фаолиятида асосли мустақил фикрлаш ва зарур қарорлар қабул қила олиш;

– бакалавриатнинг тегишли таълим йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиш;

– адабиёт ва тил соҳасига оид янги билимларни мустақил ўзлаштира олиш, ўз салоҳиятини мунтазам ошириб бориш ва меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиш;

– соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмонан бакувват булиш учун спорт билан шуғулланиб бориш зарурати ҳакида илмий тасаввурга эга бўлиш, ўзини жисмонан такомиллаштириш;

– компьютер технологиялари ва соҳага оид дастурлаш имкониятларидан фойдаланган ҳолда иш юритиш;

– тилшунослик ва адабиётшуносликдаги тизимли ёндашув усулларини таҳлил жараёнига татбиқ этиш;

– соҳага оид дастурий таъминот, ахборот-коммуникация технологияси билан куролланиш;

– касбий таълим дидактикасини эгаллаш;

– касбий таълим педагогикаси ва методикасини ўзлаштириш;  
– ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиш;  
– таълимнинг электрон воситаларини амалда қўллаш;  
– соҳанинг умумий ўрта таълим мактблари ва ўрта маҳсус таълими тизимидағи ўрни ва ролини англай билиш.

**1.2.3. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили) таълим йўналиши бўйича касбий фаолият турлари:**

- илмий-тадқиқот;
- маънавий-маърифий фаолият;
- педагогик фаолият (умумий ўрта таълим мактблари ва ўрта маҳсус таълими тизимида);
- ташкилий-бошқарув фаолият ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалавр касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгартиришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалавр касбий фаолиятининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр умумий ўрта таълим мактблари ва ўрта маҳсус таълими муассасаларида она тили ва адабиёт, ҳозирги ўзбек адабий тили, давлат тилида иш юритиши, ўзбек халқ оғзаки ижоди, адабиёт қоидалари, ўзбек адабиёти каби маҳсус фанларни ўқитиши мумкин.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

**5120100 – Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили)** таълим йўналиши бўйича бакалавр кўйидаги:

- 5A120101 – Адабиётшунослик (ўзбек адабиёти);  
5A120102 – Лингвистика (ўзбек тили);  
5A120103 – Мумтоз филология (турлари бўйича);  
5A120104 – Матнишунослик ва адабий манбашунослик;

5A120108- Фольклоршунослик ва диалектология мутахассисликлари бўйича магистратура, шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

## **2. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили) таълим йўналиши бўйича бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

**2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:**

- фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга;
- дунёқараш билан боғлиқ фалсафий билимларга тизимли эга бўлиши, мустақил таҳлил қила олиши, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- ахборот йигиш, саклаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўгрисида илмий тассаввур хамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш ўқкув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

### **Бакалавр:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалавриат таълим йўналиши доирасида танланган магистратура мутахассисликларида олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олишга тайёрланадилар.

### **2.2. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили) таълим йўналиши бўйича бакалаврнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари:**

- тил ва адабиёт фанларини ўқитишида намунавий инновацион технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

- ўқув фанларини ўқитиши методикасини эгаллаш;

- электрон ўқитиши усулларини эгаллаш;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноаънанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиш;

- мустақил таълим ва илмий-ижодий қидирув ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш;

- ўзбек тили ва адабиёти тарихи, таълимоти ва назариялари, йирик намояндлари, тилшунослик ва адабиётшуносликнинг фан соҳаси сифатида шаклланиши, ушбу соҳадаги турли мактаблар, олимларнинг концепция ва илмий ёндашувларини билиш;

- ўзбек тилшунослиги, умумий тилшунослик, қадимги туркий тил, ўзбек тили тарихи, ўзбек халқ оғзаки ижоди, ўзбек адабиёти тарихи, назарияси, жаҳон адабиётига оид билимларни эгаллаш, тил фанлари, адабиётнинг долзарб масалаларини илғай олиш, илмий фаолиятда қўллай билиш ва ўқувчиларга етказа олиш;

- анъянавий ва ноанъянавий методлар, илғор педагогик технологияларни ихтисосликка мос фанларни ўқитиши чоғида таҳлил қилиши, ўз фанида метод ва технологияларни ижодий қўллай олиши, фактларни таҳлил қилиши, умумлаштириш ва шу асосда хулоса чиқара олиш;

- ўқитишнинг илмий асосларини таҳлил қилиб бориши, методик бирлашмаларда умумий ўрта таълим матаблари ва ўрта маҳсус таълими мазмунида фаннинг ўрнини белгилай олиши ва унинг илмий муаммолари бўйича педагогик ўқишлоарда маърузалар ўқиши, умумий ўрта таълим матаблари ва ўрта маҳсус таълимида дифференциал таълимни йўлга кўя олиши, ўқув жараёни билан боғлиқ барча ҳужжатларни юрита олиш;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, саклаш, қайта ишлашнинг асосий усул ва воситаларига эга бўлиш;

– ахборотларни тұғри ифода этиш асосида мағкуравий иммунитетини шакллантириш **қобилятига зәг бўлиши лозим**.

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиши методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;
- таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни амалиётда кўллаш;
- илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш **қобилятиларига зәг бўлиши керак**.

**Маънавий-маърифий фаолиятида:**

- Ёшлар иттифоқи ташкилоти, маҳалла фукаролар йигини билан ҳамкорликда маънавий-маърифий масалалар бўйича индивидуал сухбатлар ўтказиш;
- Ўзбекистон ва жаҳон тарихига оид манбалардан илмий, маънавий-маърифий соҳада фойдаланишни ташкиллаштириш;
- умуминсоний кадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садокат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш **қобилятига зәг бўлиши лозим**.

**Педагогик фаолиятида (умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта маҳсус таълими тизимида):**

- умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта маҳсус таълими тизими муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидириув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, восита ва шакллар масаласида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш **қобилятиларига зәг бўлиши лозим**.

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- филологик фаолият сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- педагогик жараённи амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш;
- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усувлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши масаласида ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилишда иштирок этиш **қобилятига зәг бўлиши керак**.

### **3. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**5120100 – Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қўйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:**

- гуманитар ва табиий-илмий;
- умумкасбий;
- ихтисослик;
- қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўкув режалар мажбурий ўкув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни хам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўкув фанларига оид бир қанча масала ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейларда ўtkaziladi.

#### **3.1. Ўкув режа фанлари блокларн мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

##### **Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўкув режаларида гуманитар ва табиий-илмий фанлар блокига қўйиладиган талаблар асосида белгиланади.

-Гуманитар ва табиий-илмий фанлар билан маҳсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

-умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта маҳсус таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик дастурлаш усуллари ва жараёнларни моделлаштириш тамойиллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

-дастурлаш ва ҳисоблаш техникаси ҳамда дастурий таъминот имкониятларидан фойдаланиш;

-турли соҳаларда ахборот тизимлари ва уларнинг кўлланиши билан боғлиқ бўлган асосий тушунчалар;

-маълумотларни қайта ишлаш алгоритмлари, ҳамда турли маълумотлар структуралари билан ишлаш алгоритмларини билиши;

-турли хил ахборот тизимларида рўй берадиган асосий ахборот жараёнларини таҳлил килиш бўйича билим, ўкув, малака ва кўникмаларни шакллантириши;

-тарбия жараёнида турли ёшдаги болалар ва ўсмирлар соғлигини ҳимоя қилиш, ўрта маҳсус ва касб-хунар коллежлари шарт-шароитлари, жиҳозланиши ва ўкув юкламанинг организмга таъсирини ўрганиши;

-тарбия жараёнида турли ёшдаги болалар ва ўсмирлар организмнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш, заарли одатлар, гиёҳвандликнинг олдини олиш, ёшларнинг оилавий хаётга тайёрлашнинг тиббий-гигиеник асослари ҳакида билим, кўникма ва малакаларини шакллантириши;

-ўкув-тарбиявий жараённинг комплекс хусусиятга эга эканлигини эътиборга олган холда, ахборот технологияларини жорий этишни интегратив ёндашув асосида ташкил этиш малакасини таркиб топтириши;

-ўқитишининг илмийлиги ва кўргазмалилигини таъминлаш мақсадида ахборот технологияларининг мультимедиа имкониятларидан унумли фойдаланишга ўргатиши;

-замонавий ахборот технологиялари муҳитида ўкув жараёнини лойиҳалаштиришда ўқитишини индивидуаллаштириш, интенсивлаштириш ва оптималаштиришга эришиш малакаларини шакллантириши;

-ўқитишининг самарадорлиги ва натижавийлигини таъминлаш мақсадида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини тизимли, мантикий кетма-кетлиқда кўллаш қобилиятини таркиб топтириши;

-ўзбек тили грамматикасининг аксиоматик назарияси, аксиомалари, символлари, формулалари, келтириб чиқариш қоидалари, теоремалари;

-табиий тилларни формаллаштириш, ўзбек тили сатҳлари бирликларини, сўз туркумларини, гап бўлакларини моделлаштириш;

-ўзбек тилидаги феълнинг грамматик категорияларини моделлаштириш асосидаги маълумотлар базасини яратиш, тилларни ўқитиш, билимларни баҳолаш алгоритми, матнларни таҳрирлаш, анализ ва синтез дастурлари, автоматик таржима жараёни, компьютерда инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча таржима алгоритми (гапни таҳлил килиш, таржима қилиш), лингвистик масалаларни компьютер воситасида ҳал қилиш йўллари;

- табиий тилларнинг компьютер луғатлари;

- тезаурус, конкорданс, автоматик таржима луғатлари;

- лингвистик масалаларни ҳал қилишнинг компьютер дастурларини ишлаб чиқиш бўйича билим, кўникма, малакларини шакллантириши лозим.

### **Умумкасбий фанлар блоки бўйича:**

- психика, шахс, фаолият, мулоқот, билиш жараёнлари, иродавий сифатлар, хиссий ҳолатлар, индивидуал хусусиятларга доир билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш;

- психологиянинг моҳияти, психика ва онг тушунчалари, психик жараёнлар, психик ривожланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари, ёш даврлари таснифи, психик тараққиётнинг турли босқичлари учун хос психофизиологик ва психологик хусусиятлар хаикдаги билимлар билан қуроллантириши;

- бўлажак ўқитувчиларни замонавий педагогика фанининг назарий-тарихий асослари ва ўқитувчи маҳоратига доир билимилар билан қуроллантириш, таълим-тарбия жараёнини оқилона ташкил этиш, педагогик меросдан самарали фойдаланиш, реал таълим амалиётида юксак педагогик маҳорат ва ўқитувчи нутқи маданиятини намоён эта олишга ўргатиши;

-ўкув-тарбия жараёнини самарали бошқариш, ўкув-меъёрий хужжатлар билан ишлаш ҳамда таълим олганликни ташхис этиш қонунияти ва тамойиллари билан танишириши;

-миллий ва жаҳон педагогика фанлари тараққиёти билан танишириш ҳамда педагогик меросдан самарали фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантириши;

-талабаларни ўқитувчи фаолиятида касбий маҳоратнинг тутган ўрни, мазмун-моҳиятига доир назарий билимлар ҳамда педагогик фаолиятнинг турли қўринишларида ўқитувчининг муомала маданияти, оғзаки ва ёзма нутқ маданияти, ўқувчилар билан алоқа ўрнатиш ва мулоқотга кириша олиш методикасини тўлиқ ўзлаштириш малакаларини шакллантириши;

- туркий тиллар тизимида ўзбек тилининг ўрни;
- туркий тилшунослик ва туркология;
- урал-олтой тилларининг ўзаро муштараклиги ҳақидаги қарашлар;
- туркий тиллар фонетик-фонологик тизими;
- туркий тилларнинг лексик сатҳидаги ўхшаш ва фарқли томонлар;
- туркий тиллар морфологик тизими;
- туркий тиллар грамматик курилиши;
- ўзбек тили ва тил ҳодисаларининг тарқалиш зоналарини билиши;
- қадимги туркий тилнинг фонетик, грамматик ва имло хусусиятларини билиши;
- ўзбек илмий тилшунослигининг шаклланиши, тараққиёти ва йўналишларини изоҳлай олиши;
- ўзбек тили лексикографиясининг шаклланиши, муаммолари, вазифалари ва ривожланишини билиши;
- ўзбек тилшунослигининг Чор Россияси давридаги тараққиёти;
- ўзбек тилшунослигининг шўролар даври тараққиёти;
- истиқлол даври ўзбек тилшунослиги;
- таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чукур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва укувларни шакллантириши;
- таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуклар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил килиши;
- риторика тарихи, асослари ва тамойиллари;
- ўзбек шевашунослигининг тушунчавий-терминологик аппарати;
- транскрипция хусусиятлари;
- шеваларни таснифлаш тамойиллари ва усуллари;
- миллий қадриятлар хазинасида оғзаки ижоднинг ўрни;
- ўзбек халқ оғзаки ижодининг муҳим хусусиятлари;
- фольклор асарларининг ижро анъаналари;
- жанрлараро муносабат мезонлари;
- мумтоз адабиёт тушунчаси ва унинг хусусиятлари, манбалари ва обьектлари, мумтоз адабиётни ўрганиш анъаналари, мумтоз матнларни англашда луғат илми;
- Алишер Навоий ижодий мероси ва бадий маҳорати;
- адаб илмининг таркибий қисмлари, фасоҳат ва балоғат қоидалари, назмда иъжоз мақоми, ҳақиқат ва мажоз тушунчаси;
- мумтоз адабиёт жанрлари поэтикаси, аruz вазнининг умумий қонуниятлари;
- бадий санъатларнинг ҳосил бўлиш йўллари ва мумтоз шеъриятда қўлланиш усуллари;

- миллий уйғониш адабиётида қадимчилар ва жадид адабиёти вакилларининг муштарак ва фарқли хусусиятлари, давр шеъриятида вазн, поэтик жанрлар ва образларнинг янгиланиш қонуниятлари, насри ва драматургияси;
- миллий уйғониш даврида янгича адабий-эстетик тафаккурнинг юзага келиши шароити ва сабаблари, уни ўрганишнинг мустакиллик давридаги аҳамияти;
- ўзбек адабиёти тараққиётининг асосий йұналишлари ва хусусиятларини белгилаш;
- ўзбек адабий танқидининг адабиёт назарияси, тарих, фалсафа, психология ва бошқа фанлар билан боғлиқлиги;
- ўзбек адабий танқидининг вужудга келиши, хусусиятлари, тамойиллари, тараққиёт, муаммолари;
- жаҳон адабиёти тарихининг назарий муаммолари, намояндлари, тараққиёт тамойиллари;
- санъатнинг пайдо бўлиши ҳақидаги назариялар;
- адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари;
- бадиий образ, бадиий тасвир воситалари;
- адабий тур ва жанрлар;
- адабиётшунослик назариясининг ижтимоий фанлар билан боғлиқлиги;
- қиёсий адабиётшуносликнинг назарий асослари;
- бадиий таҳлил асослари, ёндашув усуслари;
- адабиётшунослик илми ва адабий жараёндаги назарий масалалар;
- бадиий асарнинг шакл ва мазмунига оид назарий қарашлар;
- шеърий тизимга оид назария;
- бадиий асар тили, поэтик нутқ ва услубий индивидуаллик масалалари;
- хозирги адабий жараён фанининг адабиётшунослик ва бошқа ижтимоий фанлар билан боғлиқлиги;
- комил инсон образини шакллантиришда миллий ғоя ва миллий мағкуранинг роли;
- адабий манбашунослик ва матншунослик илми тарихини билиши;
- манбашунослик ва матншунослик фаолиятининг фарқли жиҳатларини билиши;
- матншунослик истилоҳларидан хабардор бўлиши;
- эски ўзбек ёзувини билиши, лугат илмидан хабардор бўлиши;
- қўлёзма ва тошбосма китобларнинг таркибий тузилиши ва хос хусусиятларини билиши;
- мумтоз матнни ўзлаштиришда “илмий аппарат” (тўла илмий курсаткич) нинг аҳамиятини англаши;
- қўлёзма турлари ва унинг палеографик жиҳатларини фарқлаши;
- картотекадан фойдаланиш ва каталог тузиш қоидаларидан хабардор бўлиши, илмий тавсиф тузилишини билиши;
- бадиий асарни мустакил ўқиши, таҳлил қилиши ва баҳолаш;

#### **Ихтисослик фанлар блоки бўйича:**

- бакалавриат таълим йұналиши бўйича касбий фаолият соҳаларида эришилган ютуклар, муаммолар ва келгуси режалар ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;
- тегишли бакалавриат таълим йұналиши бўйича маҳсус билимларни, касб фаолияти кўнишка ва укувларини шакллантириши;
- ўзбек адабиёти тарихининг шаклланиши ва тараққиёт босқичлари, унга ёндашув тамойиллари, манбалар яратилишига шахс ва адабий мұхит таъсири, адабий мактабларнинг вужудга келиш сабаблари ва шартлари;
- адабиёт тарихини ўрганишнинг методологик асослари ва уни даврлаштириш тамойиллари;
- ўзбек тили тарихи, уни даврлаштириш, тарихий матнлар таҳлили;

- эски ўзбек ёзуви ва унинг имло қоидалари;
- кўлёзма матнларни ўқиш ва ёзиш;
- араб ва форс тилида имло қоидалари, сўз ясалиши, ўзак ва у орқали сўзларни топа билиш, матнларни мутолаа қилиб табдил этиш;
- ўзбек тили таркибидаги арабча ва форсча сўзларни таҳлил қила олиш;
- хозирги ўзбек тили сатҳлари ва уларнинг бирликларини фарқлаш тамойиллари;
- хозирги ўзбек тилидаги лисоний муносабатлар ҳамда улар турларининг илмий асослари;
- хозирги ўзбек тили лисоний бирликлари субстанциал имкониятларини аниқлаш усуслари;
- хозирги ўзбек тили субстанциал имкониятларининг нутқий воқеланишида лисоний, шахсий ва прагматик омиллар роли ва ҳамкорлигининг илмий асослари;
- янги ўзбек адабиётини ташкил қилувчи омилларни ўқувчига етказа олиш;
- янги ўзбек адабиётида лирик қаҳрамоннинг хусусиятлари;
- янги ўзбек адабиётида лирикада дунёвийлик ва илоҳийликнинг уйғуналигиги;
- янги ўзбек адабиёти қиссачилигидаги ахлоқий-маънавий муаммолар ва шахс фожиасининг бадиий талқини;
- янги ўзбек адабиёти ўзбек романчилиги ҳақидаги қарашлар;
- тилшунослик бўлимлари ва сатҳлари, назариялари ва методлари, оқимлари ва ўналишлари;
- тилшунослик бўлимлари ва сатҳлари, назариялари ва методлари, оқимлари ва ўналишлари;
- хозирги ўзбек тилшунослигининг илмий ўналишларини билиши;
- она тили ва адабиёт фанидан дарс шакллари ва турларини ўтилажак асаддан келиб чиқсан ҳолда танлаш;
- она тили ва адабиётдан замонавий дастурлар ва дарсдан ташқари машғулотлар мазмуни;
- она тили ва адабий таълимга доир меъёрий хужжатлар;
- она тили ва адабиёт машғулотларида мавзуни очувчи кўрсатмали қуроллар танлаш (ясаш);
- она тили ва адабиёт машғулотларида мавзуни ўқувчилар ёш хусусиятидан келиб чиқиб ўтиш усуслари борасида илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўнилмаларни шакллантириши лозим.
- таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

#### **Кўшимча фанлар блоки бўйича:**

- таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича кўшимча равишда чукур билим олишга бўлган эҳтиёжини кондириши;
- меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;
- таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фандастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;
- касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиши, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

#### **Танлов фанлари бўйича:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуклари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар таянч ва турдоши ОТМ Илмий Кенгашин томонидан белгиланади.*

#### **3.2. Малака амалиётига қўйиладиган талаблар**

Малакавий амалиётлар бакалавриат таълим дастурининг мажбурий қисми хисобланади. Малакавий амалиётлар ўкув-танишув, ишлаб-чиқариш, педагогик ва битирув олди амалиёт машғулотлари кўринишида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёрланганлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури – умумкасбий фанлар билан боғлик ўкув амалиёти ва касбий тайёргарлиги билан боғлик амалиётларни ўз ичига олади.

Ўкиш даврида ўкув-танишув амалиёти ўtkазилади. Мақсад – ўқитаётган касбий фанларининг назарий билимларини амалиётга тадбиқ этиш, амалий қўникма ва малакаларни ривожлантиришдан иборат. Амалиёт натижаси ва ҳисботи баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

#### **Фольклор амалиётидаги:**

талабалар билан экспедиция уюштирилаётган худуд аҳолиси орасида ёзиб олинган халқ оғзаки ижоди материаллари юзасидан танишув сухбати ўтказилади, респондентлар билан материал ёзиб олиш жараённида амал қилинадиган муомала этикасини ўрганилади. Материал ёзиб олиш техникаси билан танишилади ва маҳаллий ахолидан халқ оғзаки ижоди намуналари ёзиб олинади. Ёзиб олинган намуналар киёсланади. Тўпланган материаллар тартиблаштирилади, оқقا кўчириллади, ҳисбот учун маълумот тайёрланади. Бундан ташқари, талабалар ахолидан маҳаллий худудда ўтказиладиган маросимлар рўйхатини аниқлаштиради, маросимларни ўтказиш тартибини изоҳлайди. Ахолидан эпик асар намуналарини, респондентлардан мазкур асарларни ўрганиш тарихини ёзиб олади.

#### **Диалектологик амалиётидаги:**

талабаларга амалиётнинг мақсад ва вазифалари ҳакида маълумот берилади. Амалиётга бориладиган худуд аниқланади. Талабаларга шеваларни ўрганиш бўйича йўрикнома тақдим этилиб, ўрганилиши режалаштирилган худуд шевасининг хусусиятлари ҳакида маълумот берилади. Худуд шеваси вакиллари билан гуруҳ талабаларининг мулоқоти уюштирилади. Мулоқот нутқи ёзиб олинади ва тўпланиб, транскрипция қилинади.

Материаллар таснифланиб, алоҳида дафтарларга ёзилади ва улар амалиёт раҳбарларига топширилади.

#### **Ишлаб-чиқариши амалиётидаги:**

талабалар амалиёт ўташи режалаштирилган нашриёт ёки оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ҳамда улар таркибидаги бўлимлар билан танишади.

Кўлёзмаларни қабул қилиш билан, таҳrir амалиёти билан тўлиқ танишиб, нашриёт ёки таҳририят томонидан белгиланган раҳбар тавсияси билан муайян топшириқларни бажарадилар. Материалларни тақризлаш малакасига эга бўлади. Уларда корректура, тузатиш белгиларидан фойдаланиб, матн устида ишлай олиш малакаси шаклланади.

Умуман, талабалар бу жараёнда материални эълон қилишга тайёрлашнинг барча босқичлари билан тўлиқ танишади. Бажарган ишлари бўйича амалиёт кундалигини мунтазам равишда тўлдириб боради. Шунингдек, таҳририят ёки нашриётнинг оммавий тадбирларини ташкил этишда ва ўтказишда фаол иштирок этади.

### **Педагогик амалиётіда:**

педагогик амалиёт дастурлари асосида таянч умумий үрта таълим мактаблари ва үрта маҳсус таълими муассасаларидан үтказилади. Педагогик амалиёт талабанинг аудиторияда олган билимларини педагогик жараёнда синаб кўриш, дастлабки малака ва кўнишка хосил қилиш ҳамда пировард натижада кадрнинг компонентлигини шакллантиришга хизмат қилади.

Педагогик амалиётга масъул кафедралар ва педагогик амалиёт бўлими ҳамда факультет ўкув методик комиссиялари ташкилотчилигида ҳисобот конференцияси ёки тақдимот шаклида якун ясалади.

Амалиётни үтказиш муддатлари ўкув режаси жараёни билан аниқланади, амалиёт тугагандан сўнг талабалар амалиёт давридаги фаолияти ҳақида амалиёт ўқитувчилари-рахбарлари ва қабул қилувчи ташкилот вакилларидан таркиб топган комиссия олдида ҳисобот беришади. Баҳолаш мезонлари ўкув дастурида белгиланади.

Талабанинг илмий-тадқиқот иши амалиётнинг бир бўлагини ташкил қилиши мумкин. Илмий-тадқиқот иши битирувчиларда касбий компетенцияларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. У бититувчини 8-семестрда кафедранинг илмий ишида албатта иштирок этишини, курс ишларини касбий (ихтисослик) блокнинг базавий фанлари мавзуси бўйича илмий ишда иштирок этишиниба битиув малакавий ишини кафедранингилмий мавзуси бўйича бажарилишини назарда тутади.

Талабалар илмий-тадқиқот ишининг ташкил қилиниши қўйидагилар билан таъминланиши керак:

-курс ишларининг ҳар йили янгиланадиган мавзулари ҳақида ўқиётганларни ўз вақтида хабардор қилиш;

-мутахассис чиқарувчи факультет (кафедра)нинг илмий мавзуси бўйича илмий-тадқиқот иши учун лабораторияларда ўқиётганларни иш жойи билан таъминлаш;

-олий таълим муассасининг ахборот ресурс марказида мустақил илмий-тадқиқот олиб бориш имкониятини тақдим этиш;

-талабалар илмий жамиятининг конференцияларини ташкил этиш;

-талабалар илмий конференцияси галибларига мамлакатнинг бошқа олий ўкув юртларига маъruzалар билан чиқиш имкониятларини тақдим этиш.

### **3.3. 5120100–Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасидаги юклама ҳажми**

**3.3.1. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)** таълим йўналиши бўйича барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўкув ишларини ўз ичига олган ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми хафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми хафтасига - 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўкув режа ва фандастурининг умумий ҳажми 4 йиллик ўкув даври учун ҳафталик ўкув юкламалардан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Бакалавриат таълим йўналишларининг ўкув режалари ва фанлар дастури мазмуни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида таълим йўналиши бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий максади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гурухлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вактининг 50 фойизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камидаги 20 фойизи (умумий юклама ҳажмига нисбатан) мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

Талабаларнинг ўкув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўкув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Бакалавриат таълим йўналишлари унинг ўкув режаларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқишининг норматив муддати 4 йил бўлгандага ўкув жараёни 204 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Назарий ва амалий таълим	122 ҳафта
Малака амалиётлари	30 ҳафта
Битирув иши	5 ҳафта
Аттестациялар	16 ҳафта
Таътиллар	31 ҳафта
<b>Жами</b>	<b>204 ҳафта</b>

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўкув ишларини ўз ичига олган ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Кундузги ўкиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соат қилиб белгиланиши лозим.

Ўқитишининг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўкув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўкув даврининг умумий ҳажми қўйидагича тақсимланади:

- назарий таълим 55-60 %;
- аттестация 6-10 %;
- таътил 10-16 %;
- малака амалиёти 10-16 %;
- битирув иши 2-3 %.

Назарий таълим ҳажми “Гуманитар билим соҳаси”га мувофиқ фанлар блоклари бўйича қўйидагича тақсимланади:

- гуманитар ва табиий фанлар 20-30 %;
- умумкасбий фанлар 30-50 %;
- ихтисослик фанлари 20-35 %;
- қўшимча фанлар 4-6 %.

Ўкув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 4 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

## **Библиографик маълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

OKC 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият жабхаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли; хозирги ўзбек тили, лисон, нутқ, меъёр, кадимғи туркий тил, тил тарихи, тарихий грамматика, тилшунослик назарияси, тил ва жамият, тил оиласлари, тил гуруҳлари, қиёсий-тарихий тилшунослик, терминология, лексикография, араб ва форс алифбоси, диалектология, халқ оғзаки ижоди, мифология, болалар фольклори, мумтоз адабиёт, адабий ёдгорликлар, навоийшунунослик, миллий уйғониш, янги ўзбек адабиёти, адабий танқид, жаҳон адабиёти, туркий халқлар адабиёти, адабиётшунунослик, ўқитиш методикаси, матн, матншунослик

**5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналиши бўйича  
таълим дастурининг тузилиши**


Т/р	Ўқув фанлари, блоклар ва фаолият турларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
<b>1.00</b>	<b>Гуманитар ва табиий-илмий фанлар</b>	<b>1448</b>
1.01	Ўзбекистон тарихи	78
1.02	Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти	78
1.03	Фалсафа	128
1.04	Диншунослик	64
1.05	Ўзбек (рус) тили	150
1.06	Хорижий тил	356
1.07	Дастурлаш асослари	194
1.08	Компьютер лингвистикаси	256
1.09	Жисмоний тарбия ва спорт <i>Танлов фанлари</i>	30 144
<b>2.00</b>	<b>Умумкасбий фанлар</b>	<b>2554</b>
2.01	Умумий психология	124
2.02	Умумий педагогика	122
2.03	Ёш физиологияси ва гигиена	64
2.04	Туркий тиллар қиёсий-тарихий грамматикаси	184
2.05	Ўзбек фольклори	130
2.06	Шарқ тиллари ва эски ўзбек ёзуви	250
2.07	Ҳозирги адабий жараён	96
2.08	Тасаввуф ва бадиий ижод	122
2.09	Адабиётшунослик назарияси	242
2.10	Нутқ маданияти ва мутолаа санъати	154
2.11	Навоийшунослик	314
2.12	Жаҳон адабиёти	188
2.13	Ўзбек диалектологияси	130
2.14	Матншунослик	122
2.15	Ўзбек адабий танқиди тарихи <i>Танлов фанлари</i>	122 190
<b>3.00</b>	<b>Ихтисослик фанлари</b>	<b>2208</b>
3.01	Ўзбек адабиёти тарихи	374
3.02	Ўзбек тили тарихи	242
3.03	Янги ўзбек адабиёти	184
3.04	Ҳозирги ўзбек тили	530
3.05	Тилшунослик назарияси	278
3.06	Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси <i>Танлов фанлари</i>	250 350
<b>4.00</b>	<b>Қўшимча фанлар</b>	<b>378</b>
	<b>Жами</b>	<b>6588</b>
	Малакавий амалиёт	1620
	Битирув малакавий иши	270
	Аттестациялар	864
	<b>Жами</b>	<b>2754</b>
	<b>ҲАММАСИ</b>	<b>9342</b>

Ўқув ишлари бўйича проректор

И.Азимов

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари  
ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Ректор  Ш.С.Сирожиддинов

М.У.

2018 йил « 6 » 08

**КЕЛИШИЛГАН:**

Тошкент шаҳар Ҳалқ таълими бош бошқарма



бошлиғи

А.Мамаджонов

2018 йил « 12 » 08

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини

ривождантириш маркази

Директор

Б.Х.Рахимов

2018 йил « 12 » 08

М.У.



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан  
бакалавриат таълим йўналишлари учун янгидан яратиладиган малака  
талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши  
битирувчилари касбий фаолиятларига кўйиладиган умумий малака  
талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши		Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига кўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1.	5120100	Филология ва тилларни ўқитиши (ўзбек тили)	<p><b>Битирувчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- “Бола хукукларининг кафолатлари тўғрисида”ги Конунларини, давлат таълим стандартларини билиш;</li> <li>- ўқитадиган ўқув предмети бўйича дарсни ташкил этиш методикасини, педагогик ва касбий мулокот назарияси ва амалиётини, ёш психологияси ва физиологиясини тўлиқ ўзлантириш;</li> <li>- хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;</li> <li>- ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича ўқувчиларга давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига асосланган назарий ва амалий ўқув манифузотларини олиб боришни таъминлаш;</li> <li>- ўқувчиларнинг давоматини назорат килиш, ўзлаштиришини рейтинг Низоми ососида объектив баҳолашни таъминлаш;</li> <li>- ўқувчиларни фанлар бўйича олимпиадаларга, турли мусобақаларга, илмий конференция ва фестивалларга тайёрлаш, очик дарслар ташкил килиш, фан тўгараклари ишларига раҳбарлик килиш;</li> <li>- ўзбек тили ва адабиёт фанини ўқитишида намунавий инновацион технологик жараёнларни ишлаб чикиш ва уларни қўллаш;</li> <li>- ўзбек тили ва адабиётига оид назарий билимларини мунтазам такомиллаштириб бориш, она тили ва адабиёт фанларининг долгзарб масалаларини илғай олиш, ўқитувчилик фаолиятида қўллай билиш ва ўқувчиларга етказа олиш;</li> <li>- ўзбек тили ва адабиёти тарихи, таълимоти ва назариялари, йирик намояндалари, тилишунослик ва адабиётшуносликнинг фан соҳаси сифагида шаклланиши, унбу соҳадаги турли мактаблар, олимларнинг концепция ва илмий ёндашувларини</li> </ul>

билиш;

- тилишунослик ва адабиётшуносликдаги тизимили ёндашув усулларини таҳлил жараёнинга татбиқ этиши;
- она тили ва адабиёт фанини ўқитишида машғулотларда мавзуни ўқувчилар ёш хусусиятидан келиб чиқиб ўтиш усуллари борасида илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни эгаллаш;
- бадиий асарни, адабий ва бошқа матнларни лисоний таҳлил этиш ҳамда унинг методларини даре давомида қўллай олиш;
- илмий-тадқикот институтлари ва илмий марказларда ўзбек тили, ўзбек адабиёти ҳамда бу фанларни умумтаълим мактабларида ўқитиши методикасига оид мавзуларда тадқикот ишларини олиб бориш;
- интернет тармогидаги ўзбек тили ва адабиёти фанининг энг янги илмий ютуклари хакидаги маъълумотлар билан мунтазам танишиб бориш, фанга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқикот ютукларини ўрганиш;
- даре машғулотларида Ўзбекистон ва жаҳон тарихига оид манбалардан илмий, маънавий-маърифий соҳала фойдаланишини ташкиллаштириш;
- ўқув машғулотларида ўқувчиларда умуминсоний қадриятларга содиклик, меҳр-муруват, бағрикентлик, ватанпарварлик, садоқат каби юкеак инсоний фазилатларни шакллантиришга эътибор каратиш;
- Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамиятида юз берабётган ижтимоий-сиёсий воқелик хақида яхлит тасаввурга эга бўлини, улардан ҳаёт ва қасбий фаолиятда замонавий илмий асосларда фойдалана олиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза килиш ва меҳнат хавфизлиги талабларига мос ҳолатда ўқув жарабанини ташкил этишида иштирок этиши;

Ўзбекистон Республикаси Халиқ тарбияти вазирлиги,  
Республика таълим маркази муроҷаоти

М.Эсонов



“Тил ва адабиёт таълими” журнали  
 бакалавриат таълим йўналишлари учун янгидан яратиладиган малака  
 талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши  
 битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака  
 талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	“Тил ва адабиёт таълими” журнали учун кадр тайёрлананаётган бакалавриат таълим йўналини		“Тил ва адабиёт таълими” журналинига яратиладиган битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1.	5120100	Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)	<p>Битирувчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- турли жанрларга мансуб асарларни тилшунослик ва адабиётшунослик нуктаи назаридан таҳлил кила олини;</li> <li>- ўзбек тили ва адабиёти бўйича фикрларни маданийтини эгаллаган бўлини, оғзаки ва ёзма путкини аргументланган ҳолда аник баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;</li> <li>-матнларни имловий, услубий жиҳатдан таҳrir кила олини;</li> <li>- ижодкорлик салоҳиятидан фойдаланиши, янги ғояларни яратиши;</li> <li>- тил ва адабиёт таълимига оид мақолаларни ёза билиши;</li> <li>- барча турдаги хатларни ёза билиши;</li> <li>- барча турдаги маълумотларни ёза олини;</li> <li>- ўзбек тили ва адабиёти таълими соҳасига оид адабиётлар (мақолалар, китоблар, малакавий иш) таҳлиларини ёза олиш;</li> <li>- соҳага оид адабиётлар (бирламчи ва иккиламчи манбалар)га аннотациялар ёза олиш;</li> <li>- турли илмий материалларга хулоса ёза олиш;</li> <li>- тезис ва конференцияда катнашими учун таклиф ва муশоҳадаларини ёза олини;</li> <li>- соҳага оид мавзулар бўйича презентация ва маъруфлар кила олиш;</li> <li>- амалиётда информацион технологияларни халқаро ва касбий стандартларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни қўллаш.</li> </ul>

“Тил ва адабиёт таълими” журнали бош мухаррири



Б.Жовтиев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқлаинган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Даствури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги Даствури”нинг Ш-қисимида хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрланинг сифатини оширишида иктисодиёт соҳалари ва тармокларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3151- хамда 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3775-сонли қарорларида ва ҳар бир таянч ОТМ учун Хукумат томонидан чиқарилган Фармон ва қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 5120100-Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалаврият таълим йўналишини малака талабларини турдош олий таълим муассасалари билан

## КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш. “ ” 2018 й.

**Қатиандилар:** Д.Набиев – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, У.И.Иноятов – Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазири, ЖизДИИ ўқув ишлари бўйича проректори, НавДПИ ректори, КўкДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, НукДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, БухДУ ўқув ишлари бўйича проректори, ГулДУ ўқув ишлари бўйича проректори, СамДУ ўқув ишлари бўйича проректори, ТерДУ ўқув ишлари бўйича проректори, КаршиДУ ўқув ишлари бўйича проректори, УргДУ ўқув ишлари бўйича проректори, ФарДУ ўқув ишлари бўйича проректори, ҚҚДУ ўқув ишлари бўйича проректори, АндДУ ўқув ишлари бўйича проректори, Б.Абдушукоров – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўзбек тили ва адабиёти университети ўзбек-инглиз таржима факультети декани, О.Суннатов - Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек филологияси факультети декани ва таклиф этилганлар

## КУН ТАРТИБИ:

1. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида Ижодий иичи гурухлар томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрланинг сифатини оширишида иктисодиёт соҳалари ва тармокларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3151- хамда 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3775-сонли қарорларида ва ҳар бир таянч ОТМ учун Хукумат томонидан чиқарилган Фармон ва қарорлар асосида 5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти, 5111300-Она тили ва адабиёти (ўзга тили) гурухларда ўзбек тили, 51201100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили), 5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналишлари малака талаблари муҳокамаси.

**Сўзга чиқди:** Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ўқув ишлари бўйича проректори И.Азимов ўз маърузасида Ўзбекистон

